



## ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни темир йўл соҳасини ислоқ қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнги етти йилда мамлакатимизда sanoat korxonalari kўpayib, 110 mingtaga etdi. 2 mingdan ziyad yangi mahsulot ishlab chiqarish yўlga kўyildi. Eksport hajmi 1,6 barobar oshib, ўtgan yili 19 milliard dollarga etdi. Bularning natijasida mamlatimizda yok ayilnamasi 30 foizga oshgan.

Maълumki, Ўzbekiston kabi dunё океанlariga tўgridan-tўgri chiqish imkoni yўq mamlatlar uchun энg kўлай va arzon transport bu — teмир yўl хисoblanadi. Lekin hozir ichki bozorda mahsulotning atigi 5 foizi, eksportda esa 45 foizi poyezdda tashilaypti. Yangi "Ўzbekiston teмир yўllari" aktsiyadorlik jamiyati avtomobilga yok tashishga raqobat kila olmaypti.

Чunki soха uzoq yillar isloқ kilingan, zamonauiy boшqaruv tizimi joriy etilmadi. Шу bilan birga, xalqaro maydonдаги vaziyat хисobiga transport-logistika xarajatlari хam oshgan. Oқibatда jamiyatning daromadlari хam, хizmatlar sifati хam past bўlib koლmqda.

Jumladan, vagonlar etishmovchiligi va ularning kўplari eskirganligi aytib ўtiladi. Hozirgi tariflar va boшqaruv tizimi bilan soҳaga хususiy sektor kirishi kўyin. Aktsiyat stantsiyalarining daromadi ўz xarajatini koлmaydi. Raқamlashtirish darajasi pastligicha koлaypti. Vokzallarda savdo va servis lozim darajada yўlga kўyilmagan. Xavfsizlik vaжи bilan markaziy vokzalarga kirib-chiqish

imkoniyati cheklangan. Avtoturargohlarda uzoq joylashgani, chipta sotishдаги korruptsiya, vagonlardagi sharoit va хizmatdan aхoli norozi.

Shular kайд etilar экan, yigilishда soҳani isloқ qiliш bўyicha takliflar muҳоkama qilindi.

Unga kўra, "Ўzbekiston teмир yўllari" aktsiyadorlik jamiyatini holdingga aylantirib, zamonauiy boшqaruvni joriy qiliш, infратuzilma, yok vagonlari va logistika, yўlovchi tashish хizmatlari хamда vokzallar boшqaruvini bir-biridan ажratib, aloхida korxonalar tashkil qiliш mўljalланmqda.

Davlatimiz raҳbari bu takliflarni maълumlab, soҳadaги samaradorlikni oshirish bўyicha kўshimча kўrsatmalar berdi. Buxgalteriyani shaffof qilib, korxonalarга davlat kafolatlisiz investitsiyalar va xorijiy ekspertlarni jalb etish zarurligi taъkidlandi.

Soҳada хususiy sektor uchun jozibador tariflar shakllantirilib, tad-birkorlarning vagon sotib olishi uchun kreditlar ажratilishi belgilandi. Shuningdek, markaziy vokzallar atrofidagi zamonauiy savdo majmualari kurish mumkin bўladi, vokzallardaги joylar ijara uchun auksionga chiqariladi. Teмир yўl stantsiyalari atrofidagi bўsh joylar aniklab, logistika хizmatlari va ishlab chiqarish loyiҳalari joylashtiriladi.

Raқamli texnologiyalar vazirligi bilan birgalikda "yagona darча"

tamoyili orkali yok хujjatlarini elektron rasmiylashtirish, vagonlarга GPS ўrnatish va onlayn ombor aхborot tizimini ishga tuшиrish vazifasi kўyildi.

"Ўzbekiston teмир yўllari"ning nosоhaviy aktivlarini kайta kўrib chiqish, ularni sotishdan tuшgan maб-laglarini teмир yўl infратuzilmasi-ni yaxshilashga yўnalтиrish muҳimligi taъkidlandi.

Poyezdlarning katta qismi poy-taxt va viloyat markazlariga kirib kelishi oқibatida stantsiyalarda tir-bandlik yuqori bўlаётгани kўrsatib ўtilди. Шу bois, yok stantsiyalarini shaharlardan tashqariga kuchiриш imkoniyatini ўrganish zarurligi kайд etildi. Bu shaharlarda yok mashinalar хarakati kamayishiga, tuman-larga kўshimча investitsiya kirishiga хizmat kilaди.

Transport prokuroriga barча teмир yўl kesimchalari tartibга olib, fuqarolar va хarakat xavfsizligini taъminlash bўyicha kўrsatma berildi. Hozimlar mалаkasi, хizmatlar sifati masalalariga хam tўxtalib ўtilди.

Davlatimiz raҳbari soҳadaги isloхotlar orkali aхoli va tad-birkor-larni rozi qilaдigan tizim yaratish zarurligini taъkidlandi.

Mutasaddirlar yigilishda muҳоkama qilingan masalalar yuzasidan aхborot berdi.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

# БАҒРИКЕНГЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧ ВА БИРОДАРЛИК РУҲИ



Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси аввалида барча одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилиши, уларга ақл ва виждон ато қилингани, шундай экан, инсонлар бир-бирига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлиши кераклиги таъкидланади. Бу даъваткор таъкид бугунги дунёда ҳар қачонгидан ҳам зарур қоидага айланади бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон миқёсида ишонч инқирози кузатилаётган бугунги мураккаб шароитда давлатлараро

инсонпарварлик моҳиятининг асил ўзагида камол топади



жаҳмиҳатлик ва ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда мамлакатларни жиқлаштириш ғояси замирида ана шу биродарлик руҳини асраб қолиш мақсади мужасамлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари дунё минбаридан туриб 2024 йилда Ўзбекистонда "Ислоҳ — тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Давоми 3-бетда

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# СУВ САМАРАДОРЛИГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА БУНГА ЭРИШИШ МУҲИМ ВА ШАРТ

Сентябрь Марказий Осиё минтақасида сув танқислиги муаммоси халқаро миқёсда кенг муҳокама қилинган ой сифатида ёдда қоладиган бўлди. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 14-15 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида ўтказилган бешинчи маслаҳат учрашуви ҳамда Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши, 19 сентябрь куни эса БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 78-сессиясида Орол муаммоси ва у келтириб чиқараётган экологик ҳалокат, иқлим ўзгаришлари ва сув тақчиллигининг сабаб ва оқибатлари, олдини олиш йўллари атрофида кўриб чиқилиб, қатор ташаббуслар илгари сурилди.



Дарҳақиқат, сув тақчиллиги муаммоси бутун дунёда, жумладан, минтақамизда ҳам ўткир ва муқаррар тус олди. Бундан буён танқислик кўлами тобора ортиб бораверди. Хусусан, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб, сув ресурсларига эҳтиёж уч баробар ошиши кутиляпти. Ўз нав-

батида вақт ўтиши билан муаммо туфайли кўрилаётган иқтисодий зарар ялли минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.

Умуман олганда, Душанбе ва Нью-Йорк шаҳарларида ўтказилган халқаро тадбирлар, қолаверса, сув танқислиги билан боғлиқ факт ва рақамлар, таҳлиллардан хулоса

қилиш мумкинки, бу борада энг самарали йўл сувдан фойдаланиш, уни тежашдир. Бинобарин, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли музликлар эриши жадаллашиб, сув захиралари камайиб бораётган, йиллик ўртача ёғинлар миқдориди пасайиш кузатилаётган, бошқача айтганда, йил сайин сув ҳажми камайиши ва унга тескари равишда талаб ошиши муқаррар бўлган мураккаб бир шароитда обихаётни тежамасликдан бошқа чора йўқ.

Глобал сув танқислиги муаммоси кўлами ортиб бораётган айна пайтда дунёдаги аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатлар аграр секториди сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш кенг жорий этиляпти. Миллионлаб гектар қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет каби тежамкор усулларда суғориш тизими йўлга қўйилмоқда.

Давоми 4-бетда

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИМКОНИАТИ

Улар билан қандай хавфсиз яшаш мумкин?

Ички ишлар вазирлиги академиясида БМТ Терроризмга қарши кураш бошқармасининг киберхавфсизлик ва янги технологиялар бўйича глобал дастури доирасида минтақавий семинар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ички ишлар вазирлиги академияси ва БМТ Терроризмга қарши кураш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир Европа Иттифоқи молиявий

кўмагида UNOCT-БМТ аксилтеррор маркази ва Интерпол ўртасидаги қўшма ташаббус бўлган Кибертерроризм ва янги технологиялар дастурини ривожлантириш босқичининг бир қисми ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИГА

# Моҳ.шк, тоир.шк билан БУНЁДКОРЛИККА БАХШИДА УМР

Бобурнинг Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистондаги бунёдкорлик фаолияти

Бобурнинг илк бунёдкорлик фаолияти 14 ёшлиғидаёқ бошланган. "Бобурнома"да келтирилишича, "Анджоннинг шарққа мойилроқ, шарқи жанубий тарафида Ўш шаҳарчаси бордур. Кўргоннинг шарқи жанубида бир кўркам тоғ ростлаган, Бароқўҳ деб номланади. Бу тоғнинг чўққисиди Султон Маҳмуҳон бир

хужра солган. У хужрадан қуйроқда, ушбу тоғнинг тумшугида тўққиз юз иккинчи йили (1497) мен бир айвонли хужра солдирдим. Гарчи у хужра юксакроқда бўлса-да, бу хужра ҳам кўп яхши жойда қад кўтарган: бутун шаҳар ва маҳаллалар шундайгина кўриниб туради.

Давоми 6-бетда

## БИЗ ВА ДУНЁ

# ЯПОНИЯНИНГ НАГОЯ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАҲРИЙ КОНСУЛЛИГИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ва Нагоя шаҳри ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш, икки томонлама иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар кўламини янада кенгайтириш ҳамда Аичи префектурасида истиқомат қилаётган мамлакатимиз фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистоннинг Нагоя шаҳрида Фаҳрий консуллик очилди.

Ўзбекистоннинг Токиодаги дипломатия ваколатхонаси маълумотига кўра, жорий йил 19 сентябрь куни бўлиб ўтган Фаҳрий консулликнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Нагоя шаҳридаги Фаҳрий консули этиб тайинланган "IM Corporation" компанияси маслаҳатчиси, "Нагоя — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси маслаҳатчиси Хироюки Итога тегишли консуллик патенти тантанали топширилди.

Маросимда Япония парламенти, вазирликлари, Аичи префектураси, Нагоя шаҳри маъмурияти ва депутатлари, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO), Нагоя савдо-саноат палатаси, қатор йирик компаниялар, университетлар, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, дипломатия корпуси вакиллари ҳамда ушбу ҳудудда яшаётган ватандошларимиз иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Япония томони вакиллари ушбу Фаҳрий консуллик мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Нагоя шаҳрига ташрифининг амалий натижаларидан бири бўлганини қайд этишди. Шунингдек, дўстона алоқаларни ривожлантириш ва икки томонлама иқтисодий, савдо, маданий, илмий-техникавий, миграция ва консуллик алоқаларини чўқурлаштиришга кўмаклашиш, халқ дипломатияси ҳамкорлиги, фуқаролар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, Аичи префектурасида таҳсил олаётган ва компанияларда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Япония парламенти кўйи палатаси Қонунчилик ва суд масалалари қўмитасининг раиси Тадахико Ито ўзи истиқомат қиладиган шаҳарда Ўзбекистоннинг Фаҳрий консулини очилишдан жуда мамнунлигини маълум қилди. Ўзбекистон Президентининг 2019 йилда Нагоя университетига ташрифи ва унга ушбу университетнинг фаҳрий доктори

уновни берилиши икки томонлама таълим, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожининг гарови эканини қайд этди.

Шунингдек, япон туристларини Ўзбекистонга кенг жалб қилиш мақсадида Фаҳрий консуллик билан биргаликда "Нагоя — Тошкент" ҳаво қатновларини тиклаш ва чартер қатновларини ишлаб чиқишга эҳтиёж катталигини айтди.

Япония парламенти кўйи палатаси депутати, "Япония — Ўзбекистон" парламент лигаси аъзоси, собиқ иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари Ясумаса Нагасака худудлараро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида янги консуллик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини ҳамда Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорлигини ривожлантириш учун Япония парламенти ва ҳукумати томонидан ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди. У Япония парламенти ва ҳукуматида Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорлиқни ривожлантиришни таъкидлади.

Нагоя шаҳри мэри Такаши Кавамура Ўзбекистон Президентини билан 2019 йил декабрдаги учрашувини хотиралар экан, Нагоя — Ўзбекистон дўстлик алоқалари фаол ривожланаётганидан, икки давлат фуқаролари ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланаётган ҳамда кўшма делегациялар, иқтисодий ва маданий миссиялар, мактаб ўқувчилари ва санъаткорлар алмасуви йўлга қўйилганидан мамнунлигини ифтор этди. У Ўзбекистоннинг Нагоя шаҳридаги Фаҳрий консулини билан ҳамкорликда икки томонлама алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган барча сайёҳаркатларни қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз: ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг турли хорижий мамлакатларда 40 га яқин фаҳрий консулини фаолият кўрсатмоқда.

Нагоя

"Дунё" АА



ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

БАҒРИКЕНГЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧ ВА БИРОДАРЛИК РУҲИ

инсонпарварлик моҳиятининг асил ўзагида камол топади



Кобилжон СОБИРОВ, Ўзбекистондаги ШХТ Халқ демократияси маркази директори

Бошланчи 1-бетда

Мамлакатимизда турли диний конфессиялар, маданиятлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро бағрикенгликни таъминлаш, ирқи, миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари Конституция билан кафолатланган.

Бу кафолатлар фуқароларимизга ўз манфаатини амалга ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун тенг ижтимоий-сиёсий шароит ва имкониятларни тақдим этади.

Ўзбекистон мустақил тараққиётининг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда фуқаролик тотувлиги, миллатлараро ва динлараро ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, шунингдек, хорижий давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Сўнгги йилларда бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилди. Давлатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, барқарор ривожланиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ислохотлар мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини оширишнинг муҳим омиллари.

Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик ҳам бўлмайди. Ёшларда тинчлик ва бағрикенгликнинг улуг незмат экани, унинг қадрига етиш, жамият тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар

тўғрисида зарур маълумотлар бериш, Ўзбекистоннинг маданий ранг-баранглиги, миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, ана шу маданий турфаликни асраб-авайлаш каби ижобий фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда миллатлараро омил катта роль ўйнайди. Тарихан Ўзбекистон ҳудудида турли маданият, эътиқод ва цивилизация вакиллари — турли халқлар ва этник гуруҳлар дўстлик ва яхши қўшничиликда яшаган. Ўзбекистон тарихининг энг оғир даврларида ҳам турли дин вакиллари ўртасида диний асосда низо-лар бўлмаган. Тинч-тотув яшаш, асосан, қадим замонлардан буён минтақа аҳолисига хос бўлган, миллати ва динидан қатъи назар, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва самимийлик каби фазилатлар билан тарғиб қилинган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу фазилат

лашда халқлар мулоқоти ва динлараро бағрикенглик ўрнатиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази нодавлат ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, миллий маданият марказлари ва дўстлик жамиятлари ўртасидаги ҳақиқий мулоқот майдонига айланди.

Бугунги зиддиятларга тўла мураккаб вазиятда халқ дипломатияси динлараро тотувлик, бағрикенглик, одамлар ўртасида ўзаро ишонч ва тушунишни мустаҳкамлаш орқали умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўллари-ни топишнинг самарали воситаси бўлиб бормоқда. Дунё халқлари манфаати йўлида маданиятлараро мулоқотни кенгайтириш, маданий хилма-хилликни сақлаш ва тарғиб қилиш, турли халқаро тадбирлар доирасида минтақанинг маданий, табиий меросини ўрганиш соҳасидаги



ва анъаналарнинг узлуксизлиги турли жамиятда бағрикенгликни таъминлайди.

Хозирги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган Ўзбекистонда 16 мазҳабдаги 2300 дан ортиқ диний ташкилот, жумладан, мусулмон, православ, католик, лютеран, баптист, аҳудийлик, бахай, қришна ва буддавий каби диний жамоалар фаолият кўрсатмоқда.

Дунёда миллий, диний ва этник муносабатлар мураккаблашиб бораётган бир пайтда миллатлараро ва динлараро тотувлигини таъминлаш учун Ўзбекистон танлаган тамойилларга намуна сифатида қаралиши мумкин. Ўзбекистон халқларининг улуг незмат экани, унинг қадрига етиш, жамият тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар

хамкорлик ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шубҳасиз, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган, исломни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намоян этган Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улуг аллома ва мутафаккирлар бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда "Ислом — тинчлик ва згүллик дини" мавзусида халқаро конференция ўтказилиши ҳақда ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда, динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида катта қадам бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга амалий ташрифи доирасида ўтказган бир қатор расмий учрашувлари, уммонорти мамлакатида яшаётган ватандошларимиз ва "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатлари билан мулоқоти, Марказий Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари етакчиларининг "С5+1" форматидagi биринчи саммити, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқида билдирилган фикрлар, ўртага ташланган таклиф ва ташаббуслар дунё экспертлари, оммавий ахборот воситалари нигоҳида ва муҳокама майдонида бўлиб турибди.

ВАТАНГА МЕҲР ҲИССИ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА ҲИССА ҚЎШИШ ИШТИЁҚИ



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Халқаро экспертлар Президентимизнинг АҚШга бу гапга амалий ташрифини учрашувларга ниҳоятда бой ва самарали бўлгани билан тарихий аҳамиятини, дея баҳоламоқда.

Бунинг асослари бор. Биринчидан, Ўзбекистон етакчиси ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган муҳим учрашувлар ўтказди. Иккинчидан, БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида замонавий дунё олдида турган энг долзарб муаммоларни кўтариб, уларнинг ечимларини ҳамда кўрсатиб берди. Учинчидан, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро боғлиқликда ривожланиш принциплари ҳақида ниҳоятда ишончли фикрлар айтиб, қатъий позициясини билдирди.

Буларни назардан қочирмаган "Forbes" журналида давлатимиз раҳбарининг минтақада бизнес, чегара ва савдо очилишини фаоллаштириб, Марказий Осиё мамлакатларини интеграциялаш ҳаракатида асосий шахсга айлангани алоҳида эътироф этилди. Мақолада Ўзбекистон бугун Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи йирик транспорт марказига айланаётгани таъкидлаб ўтилган.

Президентимизнинг БМТ миноритетида сўзлаган тарихий нутқида 10 та муҳим талқинни кўришимиз мумкин.

- Булар қуйидагиларда акс этади: — халқаро муносабатлар тизимида фундаментал ўзгаришлар юз бераётгани ҳақидаги ўткир ва инкор қилиб бўлмас фикрлар; — бирдамликда ривожланишга даъват; — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар; — Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатлари; — ёшлар сиёсати; — хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этиши; — иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар; — Экстремизм ва терроризмга қарши кураш; — диний тоқатсизлик ва исломophobia ҳолатларига йўл қўймалик; — Афғонистон.

Мана шу ўн та муҳим масала бугунги ва эртанги ҳаётимизни тубдан ўзгариши мумкин бўлган ҳаёт-маънавий аҳамияти, дея баҳоламоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодини тарбиялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам гапирди. Жумладан, "Инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодини тарбиялаш — Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан биридир. Биз ҳамма учун очиқ ва сифатли таълимни камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омил, деб биламиз", деди.

Таълим-тарбия ҳақида сўз кетганда айтиш жоизки, мамлакат нуфузига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири сифатли таълимдир. Янги Ўзбекистон нуфузини халқаро майдонда қорни илмий салоҳият билан намоён этиш, ривожланган давлатлар билан рақобатлаша оладиган

кадрлар етиштириш йўлида катта ўзгаришлар амалга оширилди, айниқса, олий таълим тизими тубдан ислох қилинди.

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари жаҳоннинг етакчи илмий-таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига илгोर педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва услубий материалларни кенг жорий этиш, ёш ўқитувчи ва илмий ходимлар малакасини ошириши учун хорижий муассасаларга юбориш имконияти оширилди. Халқаро даражада амалиётга татбиқ этилаётган янги лойиҳалар, келишувлар ёшларнинг жаҳон андозаларига мос билим ва салоҳиятга эга бўлиши, заковатли ёшлар сифатида камол топиши, уларнинг ўз иқодиий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун хизмат қилмоқда.

АҚШга амалий ташриф доирасида Ўзбекистон раҳбарининг бу мамлакатда яшаётган ва ишлаётган бир гуруҳ ватандошларимиз ҳамда етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатлари билан учрашуви ёшларимиз қаерда бўлмасин давлатимиз гамҳўрлиги ва эътиборида эканини яққол ифода этди.

Учрашувда Президентимизнинг "Бугун шу ердаги ҳар бир ўзбекистонликда кучли Ватан ҳисси ва унинг ривожига ҳисса қўшиш иштиёқини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Сизларни Ўзбекистонда кўтиб қоламиз", деган сўзлари ҳар бир ватандошимиз қалбига чуқур муҳрланди. Беш соатга яқин давом этган очиқ мулоқот ёшларимиз қалбидида эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлади. Ўзбекистон раҳбари билан кўтаринки руҳда ўтган суҳбат уларнинг ҳаётида янги саҳифалар очгани шубҳасиз.

Эндиги навбат шу ишончга муноси бўлиш ҳаракатидир. Зеро, янги Ўзбекистонда ортага қайтмас тус олган миллий тараққиёт йўли шуни тақозо этади.

МУНОСАБАТ

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга бу гапга ташриф дастури жуда кенг қўламли, самарали ва мазмунли бўлди. БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзланган нутқдан тортиб, АҚШ Президенти билан ўтказилган учрашув, қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари, йирик компания директорлари билан мулоқот — барча-барчаси янги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти, халқимизнинг фаровон келажаги учун хизмат қилишга қаратилди.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор

Президентимиз Ўзбекистондаги орта қайтмас тус олган кенг қўламли ислохотларга алоҳида тўхталиб, глобал ва минтақавий кун тартибидagi энг долзарб масалалар ечимига доир қатор ташаббус ва таклифларни илгари сурди. Айниқса, ёшлар, хусусан, Марказий Осиё ёшлари келажаги оид таклифлар илқ кўтиб олинди.

АҚШда яшаётган ва ишлаётган бир гуруҳ ватандошларимиз ҳамда "Эл-юрт умиди" жамғармасининг ушбу мамлакат етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган стипендиатлари учун энг қувончли воқеа Президентимиз билан учрашув бўлди. Бу учрашувга АҚШнинг деярли барча ҳудудидан турли соҳа вакиллари: иқтисодчилар, олимлар, тадбиркорлар жамланди. Таклиф қилинганлар



жаҳонда энг нуфузли Гарвард, Стенфорд университетларида, Tesla каби энг йирик компанияларда ишлайдиган ватандошларимиз эди. Улар орасида АҚШнинг энг нуфузли университетлари — Дьюк, Syracuse университетлари грантини ютганлар ҳам бор эди.

Очиқ ва жонли мулоқот шаклида ўтган учрашувда ватандошларимизга Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида сўзлаб берилди. Мамлакатимиз модернизациясига қўмаклашишда ватандошларимизда улкан салоҳият мавжудлигига эътибор қара-

тилди. Шунингдек, АҚШ ва бошқа давлатларда Ўзбекистон имижини, халқимиз обрўсини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган қатор ўзбек йигит-қизлари номи эътироф этилди.

Мулоқотда жаҳон миқёсидаги улкан компанияларда фаолият юритаётган ва нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқийтган ватандошлар таълим, тиббиёт, иқтисодиёт соҳалари бўйича фикр ва таклифларини билдирди. Жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг турли масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, Колумбия университетининг илк ўзбек профессори Азиза Шоназарова ўз тажрибаси билан ўртоқлашган бўлса, Гарвард университети катта илмий ходими Ботир Қобилов ҳамда Висконсин университети катта илмий ходими, иқтисодчи Беҳзод Ҳошимов Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича бир нечта таклифларни илгари сурди.

Гарвард университетида тиббиёт йўналиши бўйича профессор, Стобон болалар шифохонаси шифокори бўлган яна бир ёш ватандошимиз Бухородаги янги қурилган шифохона ҳақида сўзлади. У ерда беморлар учун яратилган замонавий шарт-шароитларни кўриб қойил қолганини, имкон бўлса, ушбу шифохонадаги лабораторияларда дарс бериш истагини билдирди. Шунингдек, у яқинда Ўзбекистонга



кепгани, Президент мактабларида бўлгани, у ердаги таълим жараёни ҳақида мулоҳазаларини маълум қилди.

Давлатимиз раҳбари ватандошларимиз билан алоқани мустаҳкамлаш, уларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббусларни билдирди. Хусусан, хорижда ватандошларнинг жамоат бирлашмалари ҳузурида ўзбек тили курслари ташкил этилиши ҳамда юртимизнинг тарихий шаҳарларига "Ватандошлар" фонди орқали ташкилий тартибда махсус саёхатлар

АҚШДА ЯШАЁТГАН ВА ИШЛАЁТГАН БИР ГУРУҲ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ҲАМДА "ЭЛ-ЮРТ УМИДИ" ЖАМҒАРМАСИНИНГ УШБУ МАМЛАКАТ ЕТАКЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН СТИПЕНДИАТЛАРИ УЧУН ЭНГ ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛДИ. БУ УЧРАШУВГА АҚШНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА ҲУДУДИДАН ТУРЛИ СОҲА ВАКИЛЛАРИ: ИҚТИСОДЧИЛАР, ОЛИМЛАР, ТАДБИРКОРЛАР ЖАМЛАНДИ.

Ватандошларимизда учрашувдан олдин ўзига хос ҳаяжон кузатилган бўлса, мулоқот тугагандан сўнг унданда кўтаринки кайфият ҳукмдор бўлди. Сабаби, давлатимиз раҳбари, "Шу ватандошлар билан доимий алоқада бўлиши хоҳлайман, улар билан доимий ишлаймиш, улар менинг вакилларим бўлади. Ватандошлар орасидан экспертлар гуруҳи ташкил қилинади. Президентнинг иқтисодий, ижтимоий, инвестицион жазобдорлик бўйича янги платформаси яратилиб, унда экспертлар хулосалари бериб борилади", деди. Хулоса қилганда, энди ватандошларимиз билан мунтазам ишлаш тизими яратилади.

Ватандошлар билан суҳбат бир неча соатга чўзилиб, очиқ ва самимий савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Эътиборлиси, АҚШдаги юртдошларимиз ёшларга катта мотивация берапти. Мана шундай ҳис-ҳаяжонли учрашувлардан таъсирланиб, Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ҳамда бошқа мамлакатларда таҳсил олаётган ва ишлаётган ватандошларимиз ҳам мазкур тарихий учрашув улар ўқийтган ва ишлаётган давлатда ўтказилиши тақлифини билдирди, хатлар ёзмоқда. Бу ёшларимизда Ватанга дахлдорлик ҳисси, тараққиётимизга ҳисса қўшиш истаги мавжудлигини намоён этади.



САЛОМАТЛИК

БЕМОР ДАВОЛАНИШИ УЧУН КАТТА ИМТИЁЗ

Бу усул Марказий Осиёда фақат шу ерда амалга оширилади

Халқаро диабет федерациясининг хабарига кўра, дунёда тахминан 463 миллион инсон диабет касаллигига чалинган. Бироқ уларнинг кўпчилиги шу касаллик билан ўйнаб юрганидан беҳабар...



Бошпанасиз қолган оила маҳалладошлари ёрдамида уч ой деганда кичикроқ уйни тиклаб олди. Ташвишлар чекингандек эди. Бироқ онани 13 ёшли ўглининг чанқашдан шикоят қилиши, тунлари хожатга тез-тез қатнаши безовта қила бошди.

Мана уч йилдирки, у шифокор назоратида. Ҳар уч ойда Сурхондарё вилоятидаги касалхонада даволаниб туради. Касаллиги бўйича юқори технологияли тиббий ёрдам олиш учун бу шафоро Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига электрон йўлланма асосида келди.

Электрон йўлланма асосида даволанганда сарфланган харажатларни Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси тўлаб беришини айтишди, — дейди Санжарбек Бегмаматов соғлиги яхшиланаётганидан хурсанд бўлиб. — Барча муолажаларни ўз вақтида қилиб, дорилар билан таъминлашяпти. Ҳозир ўзимни анча яхши ҳис қиламан. Уйга қайтиб, касб-хунар коллежининг механика йўналишидаги тахсилни давом эттирдим.

Бухоролик Моҳинур Ахатовда йод етишмовчилиги аниқланганда 27 ёшда эди. Тез-тез бош айланиши, тез асабийлашиш кузатилиб, томоғида шиш пайдо бўлганда ҳам соғлиғига жиддий эътибор қаратмади. Бу ҳолатларни оддий ҳол сифатида қабул қилди. 2022 йилда оливлый шифокор кўрсатмаси билан тиббий текширувлардан ўтганда, қалқонсиз безнинг хавфли ўсмаси аниқланди.

— Заҳар танамга тарқаб кетмаслиги учун ўсманни тезроқ олиб ташлаш керак эди, — дейди

тиббиёт ташкилотлари билан шартнома тузилган. Жумладан, жорий йилда 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, республика даражасидаги 11 та, 41 та ҳудудий тиббиёт муассасаси ва 24 та нодавлат тиббиёт ташкилоти билан шартнома имзоланган.

— Пойтахтимиздан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан беморлар келмоқда, — дейди академик Ё.Тўрақул номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази радиолог шифокори Дониёр Нурмухаммедов. — Эндокрин тизими касаллиги ошқозон ости безининг инсулин ишлаб чиқариш фаолияти бузилиши оқибатида юзага келади. Шу боис, марказнинг Радиология бўлимида радиотерапия муолажаси "Натрий йод — 131" кимёвий бирикмаси билан нур диагностикаси ва нур таъсири ўтказилади. Бу усул Марказий Осиёда фақат бизнинг марказимизда қўлланилади. Имтиёзли тоифадаги беморларга сарфланаётган харажатларни бюджет маблағлари ҳисобидан Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси қоплаб бермоқда.

Марказда жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 460 нафар бемор даволанди ва бунинг учун Жамғарма томонидан 2,5 миллиард сўм тўлаб берилди.

Кўпчилик учун бу рақамлар оддий статистика маълумот бўлиб туялар, бироқ уларнинг ортида қанчадан-қанча инсон тақдири турибди. Мана, кечагина жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, бугун юришга қуч толган яна бир беморнинг кўзлари жилмаяди. Бу яшашга бўлган интилиш, кўрсатилган кўмақдан миннатдорлик туйғуси бўлса керак.

— Электрон йўлланма билан даволанишга бир кунда жойлашдик, мана шундай тезкор ишлаётган мутахассисларга беш баҳо, йўқ ундан ҳам юқори баҳо, — дейди мамнулик билан 62 ёшли бемор Шухрат Шерматов. — Авваллари анча овора бўлардик, даволаниш учун ҳужжатларни тўлаб келгунча ойлар ўтиб кетарди. Асаблар дош бермай, пуллик хизматдан фойдаланган вақтларимиз ҳам бўлган. Йиллардан йилдан буён рўйхатга турсам, шифохонага бу йилдаги каби осон жойлашмаганим. Кунни кеча чап оғим бармоғини даволаш учун жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бунинг харажатларини Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси тўлаб берар экан. Йўлланма тизимини йўлга қўйиб, даволанишимизни осон ва бепул қилиб қўйган ҳукуматимизга раҳмат.

Авалли "ордер" тизимида беморлар даволанишга навбати келишини ойнаб, йиллаб кутган бўлса, ҳозирда электрон йўлланма тизими орқали бу қисқа муддатда амалга ошяпти. Зарур ҳолларда жарроҳлик амалиёти ўтказилляпти.

Биз тилга олган инсонларнинг ҳар бири хасталикни енгиш учун турли кўринишдаги даволаш муолажаларини бошидан ўтказди. Илгари бу амалиётлар беморларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилган бўлса, энди тўлиқ Жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт ташкилотларига ҳар бир беморнинг даволаниш харажатлари бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Натияжада имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга қулайлик ва кенг имкониятлар яратилди.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

1 октябрь - Ўқитувчи ва Мураббийлар кунин



ЎЗ ВАҚТИНИНГ "ЎҒРИ" СИ

Болалигимда онам мактабдан кучоғини тўлдириб ўқувчиларининг уйга вазифа дафтарларини кўтариб келарди. Кечаси билан уни текшириб, эрталаб яна олиб кетарди. Баъзан биз билан шугулланмагани, вақт ажратмагани учун бир оз хафа бўлар эдик...

Бугун жамиятимизда янги тушунча: "Ўқитувчи мақоми" пайдо бўлди. Ҳатто бу Конституциямизда ҳам ўз аксини топиб, қонуний ҳимоя тизими шаклланди. Бу эса фақат устозга ҳурматгина эмас, бутун бир инсоният келажаги, ёш-авлод эртаси учун қўйилган қадам, ишончли сўғуртадир. Зотан, таълим тизимидаги ютуқлар, муваффақиятлар ўқитувчининг тинимсиз меҳнати самарасидир. Олдинги Конституция деганда суд-ҳуқуқ тизими, табиятни муҳофаза қилиш, билим олиш мажбурияти ҳақидаги кичик бир китобча кўз ўнгимизга келар эди. Ҳозир эса янгича қиёфа касб этиб, жуда катта ўзгаришлар, ҳуқуқий ислохотлар бўлди. Эндигида ўқитувчи ўз фани бўйича маълумот бериш билан бирга, креатив, интерактив усуллар ёрдамида ўша фани ҳақида тушунча беради. Бу эса, ўз устида яна ҳам кўпроқ ишлаши керак дегани аслида.

Дарҳақиқат, ҳалқда шундай нақл бор: шифокор хато қилса, бир киши дунёдан кўз юмади, қурувчи хато қилса, битта уй қулайди, агар ўқитувчи хато қилса бутун бир жамият таназзулга учрайди. Бу ўқитувчи мақомининг нақадар улуғ ва шарафли, шу билан бирга, масъулиятли эканини тасдиқлайди.

— Бугун креатив ва инновацион гоғлар замони, — дейди Наманган давлат педагогика институти илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Жавоҳир Юлдашев. — Кечаги янгилик эртага ўз аҳамиятини йўқотиши ҳеч гап эмас. Ҳозирги глобаллашув жараёни илмий муҳит ва интеллектуал аура шу қадар чигал ёки шу қадар равонки, замон ҳар сония ҳушёр, сергак ва синчков яшаш ҳамда истиқболли стратегия мақсад сари интилиши тақозо қилмоқда. Ҳар томонлама баркамол кадрларни шакллантириш, уларни замон руҳига мос, маънавиятли, миллий қадриятларга, Ватани ва халқига садоқатли этиб тарбиялаш таълим муассасаларининг муҳим вазифаси.

Яна бир қулайлиқни айтиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса, тизимда академик мобилизация жорий этилиши. Бу нима? Институти бевосита бошқа педагогика институти билан ҳамкорликда иқтидорли талабаларни "алмаштириш". Пировардида,

таълим тизимига янги нафас, янги тажриба кириб келади.

Ўқув жараёнидаги навбатдаги янгилик — электрон тизим. У ўз-ўзидан ортиқча қоғозбозлик, журнал тутиш амалиётидан халос қилади. Дунё андозасига мос тарзда яратилган HEMIS дастури ёрдамида талаба уйдан туриб ҳам дарсларни ўзлаштириши, беришга вазифаларни топиши мумкин. Бу эса ҳам ўқувчини, ҳам ўқитувчини назорат қилиш имконини беради. Шу боис, талабага қўйиладиган бирдан-бир талаб — фақат ва фақат илм олиш, изланиш.

Биласизми, дунёга ўз билими, салоҳияти, таълимдаги ютуқлари билан танилган кўнчиқар юрт — Японияда ўқитувчилар кунини алоҳида байрам сифатида нишонланмас экан. Яъни уларга эътибор, ҳурмат ва юксак муносабат бир кун эмас, ҳар кун ва ҳар доим амалда бўлгани учун алоҳида байрам қилинмади. Ҳатто уларга алоҳида махсус дўконлар хизмат кўрсатади ва улар ҳар қандай транспорт воситаси учун чипта олишда навбатда турмайди. Бу эса япон ёшларининг келажаги ва тақдири жамият ва давлат ҳаётига нақадар дахлдор эканини кўрсатмоқда.

Австриялик расмом ва ўқитувчи Франс Чижек болалар психологиясини ўрганиш натижасида шунга амин бўлдики, боланинг шаклланишидаги энг ўзгач нарса — унинг "хатолари". Бола улғайиш жараёнида уларни қанчалик кўп қилса, шунчалик ажойиб. Аммо ўқитувчи болада уларни йўқ қилишга қанчалик кўп ҳаракат қилса, у шунчалик зерикари, чуқурроқ ва шахсиз бўлиб қолади. Зеро, яхши ўқитувчи ҳуқуқбузарни муносиб фуқарога айлантира оладиган ягона инсондир.

Яқинда интернетда бир иқтибосга кўзим тушиб қолди: "Ўқитувчи — бу уйдан нарсаларни "ўғирлаб", ишга олиб келадиган ягона касб". Бу бир қарада оддий иқтибосдек туюлиши мумкин, аммо унинг замирида катта бир мантқиқ яширин. Ушунда онам ҳам бизнинг вақтимизни "ўғирлаб" мактабига олиб борган экан...

Дилфуза ТИЛЛАЕВА, Наманган давлат педагогика институти матбуот котиби

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Илгари ёшига нисбатан анча салмоқли ютуқларга эришган хорижликлар ҳақида ўқисак ёки эшитсак, ҳавасимиз келарди. Тараққиёт, эркинлик ва бошқа ҳаётий омилларнинг инсон салоҳияти ва имкониятини очишдаги ўрни нечоғлиқ катта эканига ишонч ҳосил қилардик. Бугун ён-веримизга қараб, шундай инсонлар юртимизда ҳам кўпайиб бораётганини кўряпмиз. Мисол учун, 30-35 ёшнинг нари-берисда тиббиёт фанлари доктори мақомига эришиш, мамлакатдаги учта йирик клиникани ташкил этиб, 350 кишини иш билан таъминлаш, 4 миллий ва 1 та халқаро даражадаги ихтиро патентига эга бўлиш ҳазилакам иш эмас. Ёш олим Нуриддин Нуриддиновнинг буларнинг барчасига қачон улгурганига хайрон қолади киши.

Кейинги йилларда нафақат мамлакатимиз, балки дунё бўйича юрак-қон томир касалликларига чалиниш хавфи сезиларли ортди. Бунга, албатта, сабаблар етарли. Нотўғри овқатланиш, носоғлом турмуш тарзи, камҳаракатлик, экологик омиллар шуллар жумласидан. Шу боис, ўлим кўрсаткичи ва асоратлари хавфлилиги бўйича юрак-қон томир касалликларини саратон хасталиқлари билан ёнма-ён юқори ўринларда туради. Ёш олим ихтисослигини танабладаёқ вазиятнинг жиддийлигини тушунди. Кейинги фаолияти ва тадқиқотларини юрак-қон томир касалликларининг олдини олишга бағишлади. 2017 йили "Ёш олимлар

ПРОГНОЗЛОВЧИ ДАСТУРЛАР Ундан бемор қандай наф кўради? Шифокор-чи?

қўрик-танловда биринчи ўринга муносиб топилди.

Бу йўлда Нуриддин Нуриддинов шифокорлар таъкидлашни ҳуш кўрадиган "Касалликни даволагандан олдини олган афзал" иборасига таянди. Саъй-ҳаракатлари натижасида сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда юрак диастолик функциясини эрта ташхислаш усулини ишлаб чиқди. Унга кўра, махсус дастур асосида юрак диастолик дисфункциясидаги ўзгаришларни ташхислаш алгоритмининг самарали амалга ошириш имкони вужудга келди. Бу бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилиб, синовдан ўтказилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази, 1-Республика клиник шифохонаси, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро кардиология диспансери, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси, Юнусобод тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси амалиётида қўлланиб, самарадорлиги тасдиқланди.

Олимнинг патентланган илмий янгиларининг ўзига хослиги шундаки, барчаси юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ асоратларни олдиндан прогноزلайдиган туркум дастурлардан иборат. Тадқиқотчининг айтишича, шифокорлар смартфон, компьютер қурилмаларига юклаган ҳолатда бу дастурлардан фойдаланиб, беморнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, келгуси 3-5 йилдаги касаллик даражасини прогноزلатиш мумкин. Бунинг учун хастага тегишли уч-тўртта параметри,



масалан, ёши, жинси, ультратовуш текшируви ёки қон таҳлили натижалари киритилади. Бу олдиндан беморни муайян хавф гуруҳига киритиш имконини беради.

— Шу орқали беморда кейинчалик учрайдиган асоратларни олдиндан аниқлай оламиз. Вазиятни аввалдан билган ҳолатда касални назоратга ололамиз. Керак бўлса, диспансер кўригини қучайтирамиз, — дейди Нуриддин Нуриддинов. — Деялик, кунига 50 нафар бемор мурожаат қилса, уларни касаллик даражаси бўйича тоифаларга бўла оламиз. Шу орқали

ногиронлик, ўлим хавфини камайтириш мумкин. Бу эса давлатга катта маблағни тежаш имконини беради, соғлиқни сақлаш тизимига босимни камайтиради. Жаҳон тиббиёти ҳам шу тизимга ўтаяпти. Тиббий сўғуртага ўтаётганимизда ёрдамчи дастурлар ёки ускуналар кўмағида сўғурталанган беморларнинг келгусидаги ҳолатини олдиндан прогноزلаш туфайли сўғурта пулини, бемор ва шифокорнинг вақтини иқтисод қилса бўлади. Бу дастурлар соғлиқни сақлаш тизими базасида мавжуд бўлиб, юклаб олиб, бемалол фойдаланиш мумкин.

инсон омилли ва ортиқча қоғозбозлик қанча кам бўлса, ишнинг тез ва асосли ҳал этилиши шунча осон бўлиши дунё тажрибасида исботланган. Мана шу кунларга биз ҳам етдик, — дейди Нуриддин Нуриддинов. — Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 18 март кунини тиббиёт ҳодимлари билан ўтказган очиқ мулоқотида сўнг қилинган ишлар тиббиёт соҳаси ривожини учун дадил кўмак бўлди. Масалан, тиббиёт ташкилотлари чет элдан олиб кирадиган муҳим тиббий жиҳозлар, буюмлар, асбоб-ускуна ва материалларнинг 2025 йил 1 январгача қўшилган қиймат солиғи ва божхона божидан озод қилингани қўллаб ҳусусий тиббиёт ва-килларини қувонтирди. Қолаверса, хусусий клиникалардан "туризм йиғими" ундириш бекор қилинган, хорижлик шифокорларга Ўзбекистонда ишлаш рухсатномасини бериш бўйича тўловлар миқдори кескин камайтирилгани тиббиётимиз, хусусан, соҳада шу йўналишда тадбиркорлик билан шугулланиш орқали аҳоли саломатлигига хисса қўшиб келаётганлар учун кенг имкониятлар эшигини очди. Шу туфайли хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятида сезиларли натижаларга эришяпмиз.

2018 йилда Н.Нуриддинов тиббиёт йўналиши бўйича энг яхши иш берувчи совринини қўлга киритди. Орадан икки йил ўтиб, пандемия авж олган кезлари унинг раҳбарлигидаги "НАУАТ" клиникаси ҳам жиддий синовдан ўтди. Хусусий тиббиёт секторида биринчилардан бўлиб шу ерда коронавирус инфекциясини даволовчи марказ ташкил этилди. Бу марказда 600 дан ортиқ бемор стационар ва 2000 дан зиёд киши амбулатор даволанди. Бу ҳаётдан никобсиз нафас олиш хатарли бўлган паллада эришилган катта натижа эди.

Хайридинмурод АБУЛҒАЙЗОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Захириддин Мухаммад Бобур

таваллудининг 540 йиллигига

# Шоҳшук, шоиршук биша

## БУНЁДКОРЛИККА БАХШИДА УМР

### Бобурнинг Мовароуннахр, Афғонистон ва Ҳиндистондаги бунёдкорлик фаолияти



**Ахтам ЎРАЛОВ,**  
Самарқанд давлат  
архитектура-қурилиш  
университети профессори,  
архитектура фанлари  
доктори

Бошланғич 1-бетда

Бароққў тоғининг этагиди — шаҳар билан тоғ орасида бир масжид қад қўтарган, масжиди Жавзо номли. Тоғ тарафидан бир катта ариқ оқади. Ушбу масжиднинг ташқи сахни нишаброк, себаргаллик, серсоя, сафалик майдондир.

Бу Бобур Мирзо ёш бўлишига қарамай, ҳужра учун энг мўътадил, гўзал ландшафтга эга тоғли жойни танлаши ва бутун атрофнинг чўққидан яхлит кўринишини таъкидлаши унинг иморат учун жой танлаш ва бинони табиат билан боғлаш сирларини билганидан далolat беради. Кейинчалик бу ҳужрага "Бобур уйи" деб ном берилди.

Бобур Мирзо 1497 йилда Самарқанд тахтини эгаллашга муваффақ бўлган, "Бобурнома"да буюк Темур томонидан Самарқандда барпо этилган бино ва ишоотларни гапма-гап назарий таърифлаб ўтади: "Шаҳри — Самарқанд, вилоятини Мовароуннахр дейдилар... Самарқанд ҳазратни амир ул-муминин Усмон замонидан мусулмон бўлгандир. Саҳобадан Қусам ибн Аббос у ераа боргандир. Қабри Оҳанин дарвозасининг ташқарисиди. Ҳозир Мозори Шоҳ (Шоҳи Зинда) номи билан машҳур... Темурбекнинг иморатлари, боғлари Самарқанд маҳаллаларида кўпдир. Самарқанд арқиди Темурбек бир улуг қўшқ солган, тўрт қаватли, Қўжарой номи билан маълум ва машҳур, жуда юксак иморатдир. Яна Оҳанин дарвозаси ва яқин қалъанинги ичиди тошдан бир жомеъ масжиди солган, у ерда ақсарият Ҳиндистондан олиб келинган тошйўнарлар ишлаганлар. Масжиднинг пештоқи китобаси ёзувида: "Ваъ из ярфаъу Иброҳим ал-қавоиди (ило охирихи)" оятини шундай йирик ҳарфлар билан ёзганларки, уни бир қуруқ ердан ўқиса бўлади. Бу ҳам жуда юксак иморатдир... Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Мухаммад Султон Мирзо Самарқанднинг тош қўрғониди — чақарда бир мадраса солган. Темурбекнинг қабри ва авлодидан ҳар қимчи Самарқандда подшоҳлик қилибди, уларнинг қабри ўша мадрасададир."

Қўридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Бобур бобокалонни Амир Темур архитектураси билан ҳамнафас катта бўлган. Бундан ташқари, унинг маълумотларидан Темурга юксак ҳурмат ва мағрурлик ҳиссини аниглаб олиш мумкин эмас.

Буюк Амир Темур архитектурасини юксак даражада давом эттирган Мирзо Улугбек фаолиятини Бобур бундай ифодалайди: "Улугбек Мирзонинг йирик иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичиди мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гунабзи жуда катта гунабздир; оламда унчалик катта гунабз йўқ, деб ҳисоблайдилар. Яна бу мадраса ва хонақоҳга яқин

бир яхши ҳаммом солдирган, бу Мирзо ҳаммоми сифатида машҳурдир. Унинг сахнига ҳар хил тошлардан тўшалган. Хуросон ва Самарқандда бундай ҳаммом борлиги маълум эмас. Яна бу мадрасанин жанубида масжиди Муқаттаъ номли бир масжид солдирган. Муқаттаъ (булаклаган) дейишларининг сабаби бўлак-бўлак ёғочларни тарашлаб, ислимий ва хитойи нақшлар солинган, бутун деворлари ва шифтлари ушбу йўсинда нақшлангандир. Бу масжиднинг қибласи билан мадраса қибласининг орасида кўп тафовут бор. Афғондан, бу масжид қибласини аниқлашда мунажжим усулини (астрономик йўсинда) қўллаганлар. Яна бир юксак иморати Кўҳак тепалиги этақларидаги расадхонадирки, бу зиж битмак (астрономик жадевал тузиш)нинг масканидир. Уч қаватлидир. Улугбек Мирзо бу расадхонада "Зиқи Қўрағоний" ("Қўрағоний астрономик жадевали")ни тузгандирки, оламда ҳозир бу жадевал амалдадир... Яна Кўҳак тепалигининг этақиди, ғарб томонида Улугбек Мирзо Боғи Майдон деб аталган бир боғ солгандир. Бу боғнинг ўртасиди бир юксак иморат қад қўтарган. Бунчи Чилсутун (қирқ устунли) дейдилар, икки қаватли, устунларининг ҳаммаси тошдан. Бу иморатнинг тўрт бурчағиди минорасимон тўрт бурж (ичи айлана зинали миноралар) тиклаганларки, юқори чиқилганда йўлар бу буржлар орқалидир. Бошқа ҳамма жойлардаги устунлари тошдан. Базисини тошни йўниб, шлон ўралган тарзда ўймакорлик билан ишлаганлар. Юқориди қаватнинг тўрт томони айвон бўлиб, устунлари тошдан ясалган."

1500 йилда Шайбонийхоннинг Мовароуннахрга юриши туфайли Самарқанднинг қўлига ўтади. 1504 йилга келиб, Шайбонийхон ҳукмронлигига Мовароуннахрнинг йирик шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Уш, Андижон ва Тошкент кирган. Бобур Фарғона вилоятидан чеккиниб, Хуросон томон йўл олишга мажбур бўлади.

1504 йил сентябрь ойига келиб, Муқим Аргун устидан қозонилган ғалаба натижасиди Бобур Кобул вилоятининг темирүй ҳукмдори деб эълон қилинади. У ҳукмронлик қилган илқ даврлардан бошлаб Ҳиндистонни эгаллаш учун бир неча бор ҳаракат қилган. "Бобурномада" бу ҳақда бундай ёзади: "910 йили (1504/1505) Кобул эгаллангандан буён Ҳиндистонни қўлга киритишни оруз қилардим. Гоҳ бекларнинг ақли ноқисилли, зоҳ оғаниларининг, қариндош-уруғини қўллаб-қувватламасликлари боис, Ҳиндистонга юришга эришолмагандим. Ниҳоят, бундай тўсиқлар қолмади. Бек ва амалдорларимдан ҳеч ким менинг мақсадимга қарши бир сўз айтмади. 925 (1519) йили лашкар тортиб, Бажаврни куч билан икки-уч қарида — бир соатга ҳам қолмай олиб, элчи қатлимоқ қилиб, Бҳирага келдик. Бу ерни талон-торож қилмадик. Кобулга қайтиб келдик. Ўша йилдан то 932 (1526) йилгача Ҳиндистонни эгаллашга астойдил киришиб, етти-саккиз йил ичиди беш марта қўшни тортидик. Бешинчи сафар Танери талои ўз фазлу карамни билан Султон Иброҳимиде душманни қаҳру ғазабига олиб яқсон этди. Ҳиндистондек катта мамлакатни бизга муяссар қилди ва бўйсундирди."

Ҳиндистонни олишдан Бобур бойлик йиғишни эмас, балки тарқок ҳинд феодалларини бирлаштиришни, марказлашган кучли давлат тузишни мақсад қилган эди. Дарҳақиқат, у Ҳинд дарёсидан то Бенгалиягача булган вилоятларни ўз ичига олган Шимолий Ҳиндистон давлатини тузди.

Бобурнинг Кобулдаги каби Ҳиндистонда ҳам кенг халқ оммаси олдида ободонлик, қурилиш-меъморлик ҳамда боғдорчилик соҳасидаги фаолияти ҳурмат-эътиборга лойиқдир. Бобур ҳам боболари Темур, Шоҳруҳ, Улугбек каби ўз паноҳига эътиборли уламолар, олим ва фозиллар, шоир ва мусаввирлар, меъмор ва санъаткорларни йиғиб, уларни бошлана, иш ва маош билан таъминлайди.

Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жа-воҳарлаъл Неру "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" асариди Бобур ҳақиди бундай ёзган эди: "Бобур дилбар шахс. Уйғониш даври-нинг тилқ ҳукмдори, мард ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни ва адабиётни севган. Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгила тараккиёт юз берди."

"Бобурнома"ни инглиз тилига таржима қилган Эрскин Бобур ҳақиди: "Биз Осидеги ҳукмдорлар ичиди Бобур сингари буюк ва истеъдодли кишиларни камдан-кам учратамиз... Ақлнинг фаол фаолияти, хушчақчақлиги, соеуққонлиги ва бевафо



тақдирини найранеларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасиди камдан-кам учрайдиган саҳийлиги, мард-лиги, фанга, санъатга муҳаббатли ва улар билан муваффақиятли шугулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осидега подшоҳлар ичиди Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ тополмаймиз", деган эди.

Бобур даврида Ҳиндистоннинг қатор шаҳарлари, айниқса, Агра ва Дехли каби-лар янада обод бўлиб, маданий ва сиёсий маквеи ортиб боради. Шаҳарлар ободончи-лиги, фанга, санъатга муҳаббатли ва улар билан муваффақиятли шугулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осидега подшоҳлар ичиди Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ тополмаймиз", деган эди.

Ҳиндистоннинг ноқулай иқлими Бобур ёнидаги тўра ва бекларга ёқмайди, улар



ишоотларидан Ҳиндистонда Бобур дав-ригача кенг фойдаланиб келинган. Бобур Секрида ҳам ана шу войнлардан бири-ни қаздиради, ҳовуз ва ариқлар олдириб, тошдан тэрновлар ясаттиради. Шуниси қизиқки, қудуқлардан сув махсус чархлар ёрдамида юқорига тортиб чиқарилган.

Бобур Ҳиндистон билан Афғонистон ўртасиди сиёсий-иқтисодий ва савдо алоқаларини тиклаш ва мустаҳкамлаш ишларига ҳам кўп эътибор берган. Агра билан Кобул орасиди муҳим, лекин вақт ўтиб, осойишталиги бузилган қарвон йўли-ни тиклашга уринган. Шу мақсадда хизмат-кор Чақмоқбекини ўз хузурига чақириб, Агра билан Кобул ўртасиди масофани ўлчаб чиқиш ҳақиди фармон беради. Масофа ўл-човчиларга қарвон йўлида ҳар 9 қуруқ (тах-минан 20-22 километр)дан сўнг кузатув ми-нораси қуриб, унинг баландлигини 12 қари (7 метр)га етказиш, миноралар устига назо-ратчи учун жой тайёрлаш тайинланган. Ҳар 18 қуруқдан сўнг олти отга мослаб отхона қуриш, ўрачи отбоқарга моюна, отларга эса ем-хашак бериш буюрилган. Бу юмушлар Аградан Кобулга келиб-кетувчи савдогар-ларга қулайлик туғдириш ва хавфсизлиги-ни таъминлаш мақсадиди амалга оширил-ган. Масофа ўлчамлари аниқлик киритиш учун Бобур қўйидагича тавсия беради:

Тўрт минадур қадам биша мил, бир қуруқ они Ҳинд эли дер бил. Дедилар бир ярим қари бир қадам. Ҳар қари билки, бордур олти тутам. Ҳар тутам тўрт элик, ана ҳар элик олти жав арзи бўлди, бил бу билки.

Бобур Ҳиндистоннинг иссиқ кунларида ҳам айвон бўлиб, унда суе чархи жойлаш-ган. Бу айвон чархни айлантйрувчи ҳўкиз сақланадиган гумбазли хона билан қўши-либ кетган. Юқориги қаватда ҳам айвон ишланган бўлиб, уна ушбу қудуқ устида-ги ҳовлидан икки тарафдаги беш-олти зинаояли йўлак орқали тушилади. Ушбу ишоотнинг ёнига яна бир қудуқ солин-ган бўлиб, унинг сатхи ўрта қаватдаги айвон сатхидан салгина юқорироқ, Гум-базли хонадаги ҳўкиз чархни айлантйриб, суени биринчи қудуқдан иккинчисига қў-риб беради. Иккинчи қудуқда яна бир чарх ясалганки, у суени тепаликка олиб чиқади. Суе ўша ердан баланд боққа қилиб боради."

Демак, Бобур суе таъминоти жуда оғир вазиятларда ҳам суе ишоотлари қуриб, қақраб ётган жойларни боғ-бўстонга айлан-тирган. Бунда у маҳаллий халқнинг асрлар давомиди синовдан ўтган қурилиш услуб-ларидан фойдаланган. Войн каби суе

Бобурнинг буйруғи асосиди унинг бекла-ри томонидан ҳам масжидлар барпо этила-ди. Улардан бири Дехлидан 140 километр шарқда жойлашган Самбхал воҳасиди 1526 йилда Бобурнинг қадрли беки Мир Ҳинду Бег томонидан бунёд этилган. Панипатдаги Кобули масжиддан бир йил олдин қурилган Самбхал масжиди бобурийлар томонидан Ҳиндистон заминиди бунёд этилган илқ масжиддир. Махжмуага кириш шарқ томон-дан мўлжалланган бўлиб, деворлар билан ўраб олинган ички ҳовлига йўналтирилган. Ибодат қилиш учун мўлжалланган хона Па-нипат масжиди каби тархи тўри бурчакли ҳамда катта марказий тўри тўртбурчакли залдан иборат. Асосий кириш жойиди йи-рик пештоқ бўлиб, у Жайнпурдаги Шарқи масжиди пештоқиға ўхшайди. Марказий зал икки ёнидан унчалик қўшимча заллар ва ён қанот оралиқлар билан боғланган. Марказий зал усти ягона йирик гумбаз билан қопланиб, қўшимча заллар устида ки-чик гумбазчалар қурилган. Қанотлардаги иккита минора масжиднинг илқ бобурийлар услуби шақлланишини ақс эттиради.

1530 йил 20 июнда Бобур Кобулдан Аграга қайтади. Ҳаётдаги доимий қийин-чиликлар, юришлардаги жанглар ва кечин-малар, руҳий ҳамда жисмоний зуриқилар Бобурнинг соғлиғига таъсир этмай қолмай-ди ва натижада у кучли руҳий чарқоқчи ҳис этади. Аграда истиқомат қилган пайтлари Зарафшон боғида асосий вақтини ўтказар, шаҳар бунёдкорлиғи ҳамда Жамна дарёси қирғоғиди боғ яратиш билан шугулланар эди. Гулбаданбегимнинг таъкидлашича, Бобур бу пайтларда давлат ишларидан чарчаганини кўп бора айтган. Унинг ёзи-шича, "Хукмронлик қилиш жонимга тежди, менга мана шу Зарафшон боғида баҳра-манд бўлиш афзалроқдир ва менга Тоҳир офтобачининг хизматлари етарлидир."

Мухтасарга қараганда, Бобур қисқа хукмронлиғига айтамай, темирүйлар меъ-морлигининг асосий моҳиятини Ҳиндистон-га олиб киришга муваффақ бўлган.

Бобур меъмор, уста, хунарманд ва бинокорларнинг шарафли ишларини олишлаб, уларни ҳурмат юзасидан устод деб атаиди. Устод Ҳасан Али меъ-мор, устод Султон Мухаммад бинокор, устод Шоҳ Мухаммад тошбери, Мир Мухаммад кўприкчи, Шо Бобойи белдор (ер қазувчи), устод Алиқул тўпчи шулар жумласидандир.

Ҳиндистоннинг ноқулай иқлими Бобур ёнидаги тўра ва бекларга ёқмайди, улар



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.